



Ўқиган аёлнинг режа ва мақсади аниқ, ишончи баланд бўлади

4-с.

Кичик маҳалла ёшларининг катта ташаббуслари бор...

5-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

**№34
(2362)**

**2026 йил
25 АПРЕЛЬ,
ШАНБА**

Маҳалла

ХАЛҚҚА ЯНАДА ЯҚИН

WWW.UZMAHALLA.UZ

2026 йил — “МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ”

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

МАҲАЛЛА МОДЕЛИ ЯПОНИЯДА ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қаҳрамон Қуронбоев бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси делегацияси Японияда расмий хизмат сафарига бўлиб турибди.



Ташриф доирасида БМТнинг Токиодаги университетида “Маҳалла институти — аҳоли ва давлат ўртасида муҳим ижтимоий кўприк” мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Анжуманда маҳалла тизимининг камбағалликни қисқартириш, бандликни ошириш, оилалар фаровонлигини таъминлаш ҳамда жиноятчиликнинг олдини олиш каби долзарб масалаларни ҳал этишдаги ўрни атрафлича ёритилди.

Қайд этилганидек, Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан жорий этилган “маҳалла еттилиги” модели нафақат миллий анъана ва қадриятлар маркази, балки давлат ва жамият ўртасида ишончли ижтимоий кўприк сифатида самарали фаолият юритмоқда. Бугунги кунда мамлакатимиздаги **8 992 та** маҳаллада **10 миллиондан ортиқ** оила истиқомат қилмоқда ҳамда аҳолининг ижтимоий муаммоларининг **84 фоизи** бевосита маҳалла тизими орқали ҳал этилганди.

Шунингдек, рақамли трансформация жараёнлари маҳалла тизимининг самардорлигини янада оширишга хизмат қилаётди. Хусусан, “**Рақамли маҳалла**” платформаси орқали бошқарув жараёнларининг шаффоқлиги ва тезкорлиги таъминланиб, “маҳалла еттилиги” тизими орқали **5,2 миллиондан ортиқ** аҳоли даромадли иш билан таъминланди, **302 мингга** оила камбағалликдан чиқарилди.

Давоми 2-саҳифада.

БУГУНГИ СОНДА:

Тарбия масъулият билан янада мукаммал

Оила қуриб, ота-оналик бахтига мушарраф бўлиш эркак ва аёл зиммасига улкан масъулият юклайди. Масъулиятли ота-оналик бу — фарзандни нафақат моддий таъминлаш, балки унинг жисмоний, ақлий, рухий, маънавий ва ижтимоий ривожланишида онгли ва изчил иштирок этишни аниқлади.

4-с.

Оғир дамлар синов, аммо қувонч, албатта, келади

Ҳар бир ишнинг ҳикмати бор. Баъзан бошимизга келган синовлардан ноллиймиз, тақдирни айбдор билиб, тушкунликка тушиб қоламиз. Орадан фурсат ўтиб, қийинчиликлар ордидан қувончли кунлар келишини эса кеч англаб етамиз.

6-с.

Жаримага тортиш эмас, қонуний йўл-йўриқ кўрсатган маъқул

Мақтаб ва университетлар таълим дастурига маъмул муддат солиқ соҳаси бўйича дарс соатлари киритилиши керак. Шунда келажакда солиқ тўловчилар ордидан қувонч юришимизга ҳожат қолмайди.

7-с.

Ҳар неки келса бошингга, тилингдан кўр, тилингдан...

Халқимиз бошингга нима келса, бировдан эмас, ўзингдан кўр, деб бежизга айтмаган. Бу ҳикматнинг замирида бошингга тушадиган ташвишларга, одатда, тилни тиймаслик сабаб бўлади, деган фикр бор.


Буни Қарши шаҳридаги “Қўрғонча” маҳалласида яшовчи оилада келиб чиққан жанжал ҳам исботлади. На-тижада қайнота, қайнона ва ўғли келинга тан жароҳати етказишди. Бунга чиқолмаган келин турмуш ўртоғини камситувчи сўзлар билан ҳақорат қилади.

8-с.

РАҒБАТ

“ЕТТИЛИК” БИР МАРТАЛИК МОДДИЙ РАҒБАТ ОЛАДИ

2026 йилда аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тadbирини да “маҳалла еттилиги” аъзолари фаол иштирок этиб, ушбу муҳим жараёнга муносиб ҳисса қўлиди.



Ўзбекистон Республикасида аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тартиби тўғрисида “ги Низомга асосан, жараёнда фаол иштирок этган “еттилик” вакиллари рағбатлантирилади. Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 9 апрелдаги айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги тегишли қарори билан **тўлов тартиби аниқ белгилаб қўйилди.** Унга қўра, барча ходимлар учун тенг имконият яратиш, юклани адолатли тақсимлаш ҳамда бажарилган иш ҳажмига мос равишда ҳақ тўлаш тизими такомиллаштирилди. Хусусан, “маҳалла еттилиги” ходимлари уларга бириктирилган рўйхатга олиш участкаси ҳудудда респондентларни рўйхатга олишнинг тўлиқ камрови таъминлангандан сўнг, **бир марталик** рағбатлантирилади.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатин!

@mahalla_raislari
@mahalladosh_1
@mahalladosh



ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИ — МАҲАЛЛАМИЗ ТАРИХИДАГИ ЭНГ НУРАФШОН САҲИФА

Президентимизнинг Мирзо Улуғбек туманига ташрифи доирасида “Бог’имайдон” маҳалласида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан таъинланган маҳалламиз ҳаётидаги унутулмас ва тарихий воқеага айланди. Бу ташрифнинг аҳолимиз ўзқувватдан бери катта ишқилиқ билан кутган эди.

Маҳалламиз аҳли давлатимиз раҳбарининг ҳудудлардаги йиғинларга ташрифлари, уларнинг турмуш тарзи, муаммо ва ютуқлари билан яқиндан танишиб бораётганини катта қизиқиш ва ҳавас билан кузатиб келаётган эди. Шу боис бу галги ташриф айнан бизнинг маҳалламизда бўлгани барчамиз учун чексиз қувонч ва фахр ҳиссини бағишлади.

Ташриф давомида Президентимиз маҳалламиздаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, аҳоли турмуш шароити, ёшлар тарбияси, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ободлик ишлари билан яқиндан танишди. Энг муҳими, одамлар билан самимий мулоқот қилиб, уларнинг фикр-мулоҳазалари ҳамда тақлифларини тинглади. Бу каби мулоқотлар аҳолининг эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамлаётгани шубҳасиз.



Давоми 2-саҳифада.



5-САҲИФА

Ёшликнинг янги “ИМЗОСИ”: ИСЛОҲОТ, ИШОНЧ, ИСТИҚБОЛ!

Президент фармони билан 2026-2030 йилларга мўлжалланган “Янги Ўзбекистон ёшлари — 2030” стратегияси тасдиқланди ҳамда унинг устувор йўналишлари белгиланди. Айтиш керакки, бу мамлакатимизда ёшларга оид қабул қилинаётган биринчи яхлит стратегия бўлиб, ёшларнинг ўрни ва салоҳиятини янада тўлиқ рўёбга чиқаришга қаратилган.



ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ мудофаа вазири Шуҳрат Холмуҳамедовнинг Туркия билан ҳарбий ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги ҳисоботини тинглади.



Президентимиз Мирзо Улуғбек туманидаги Ўзбекистон овози кучасида ташкил этилган **ГАСТРОНОМИК ТУРИЗМ КЎЧАСИ** фаолияти билан танишди.



“Бир миллион яшил оила” умумимиллий ҳаракати доирасида аҳоли вакилларига **“ЭКОФАОЛ ФУҚАРО”** мақоми берилди.

“МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ!”

МУНОСАБАТ

ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИ — МАҲАЛЛАМИЗ ТАРИХИДАГИ ЭНГ НУРАФШОН САҲИФА



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.



Давлатимиз раҳбари маҳалламизда ташкил этилган сумалак сайлида иштирок этди, маҳалла аҳли ва болажонлар билан суҳбатлашди. Шунингдек, спорт майдончасида машғул олиб бораётган ёшлар билан учрашиб, жисмоний тарбия ва соғлом турмуш тарзининг баркамол шахс бўлиб вояга етишдаги аҳамиятига алоҳида тўхтади.

Нуриддин ОЧИЛОВ, Мирзо Улуғбек туманидаги **“Боғимайдон”** маҳалласи раиси.

Белгиланган. Бугунги кунда 70 дан ортиқ тадбиркорлик субъекти самарали фаолият юритмоқда. Бу эса ишсизликни қисқартириш ва оилалар даромадини оширишга хизмат қилаётди. Хусусан, 1 048 нафар ёшдан 949 нафарининг бандлиги маҳалланинг ўзида таъминлангани бу борадаги ишлар изчил ва манзилли олиб борилаётганини кўрсатади.

Худудни кўкаламзорлаштириш ва экологик муҳитни яхшилаш мақсадида ташкил этилган экобоғ бугун кенгайиб ёш учун сеvimли дам олиш масканига айланган. Қарийб 4,5 минг туп дарахтга эга ушбу боғ маҳалланинг файзу тароватини янада оширмоқда. Шунингдек, “Нуронийлар маскани” аҳоли ўртасида ижтимоий бирдамликни мустаҳкамламоқда.

Давлатимиз раҳбари маҳаллада хавфсиз муҳитни таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар тақдироти билан танишди. Бугун турар жойлар кириш қисмлари кузатув камералари ва қўриқлаш пульталари билан жиҳозланган. Худудга кириб-чиқувчи шахслар ва автотранспорт воситалари замонавий технологиялар асосида назорат қилинади.

1987 йилда ташкил этилган **“Боғимайдон”** маҳалласи бугун мутлақо янгича қиёфа касб этган. Айни пайтда бу ерда 41 та кўп қаватли уй, 1 990 та хонадон ва қарийб 5,5 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Худудда аҳоли учун қўлай ва замонавий инфратузилма шакллантирилган. Жумладан, 20 та болалар ўйингоҳи, 11 та воркаут майдончаси, 3 та мини-футбол майдони ва теннис корти барпо этилган. Иккита мактабгача таълим ташкилоти 500 нафарга яқин болани камраб олгани ёш авлод тарбиясига бўлган эътиборнинг амалий натижасидир.

Маҳаллада аҳоли бандлигини таъминлаш ва иқтисодий фаолликни ошириш устувор вазифалардан бири этиб

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Маҳалла модели Японияда халқаро эътироф этилди

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Соҳида ЭШМАТОВА, журналист.

Халқаро конференция доирасида БМТ экспертлари Ўзбекистонда маҳалла тизимида амалга оширилаётган ишларни алоҳида эътироф этиб, уларга юқори баҳо бердилар. Хусусан, ёшлар ва аёлларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий хизматларни маҳалла даражасида самарали ташкил этиш, шунингдек, маҳалланинг Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишдаги муҳим ўрни қайд этилди.

Конференция якунида иштирокчилар келгусида маҳалла институти, БМТнинг Токиодаги университети ҳамда бошқа халқаро олий таълим муассасалари ўртасида барқарор илмий ва амалий ҳамкорликни ривожлантиришга келишиб олдидлар. Бу эса маҳалла тизимининг илғор миллий тажрибасини халқаро майдонда кенг тарғиб этиш, уни бошқа мамлакатлар амалиётига татбиқ этиш имкониятларини янада кенгайтиради.

Қаҳрамон Қуронбоев БМТнинг Токиодаги университети биринчи проректори Ая Сузуки билан учрашув ўтказди. Мулоқот давомида бугунги глобал шароитда ижтимоий тенгсизликни камайтириш, аҳолининг заиф қатламларини қўллаб-қувватлаш ҳамда барқарор ривожланишни таъминлашда маҳалла тизими муҳим модель экани алоҳида таъкидланди.

Учрашув чоғида қатор истиқболли ташаббуслар илгари сурилди. Жумладан, “маҳалла еттилиги” аъзолари ва маҳалла раислари учун замонавий малака ошириш дастурларини ташкил этиш, ёшлар сиёсати йўналишида ҳамкорликни кучайтириш, истиқболли кадрларни тайёрлаш бўйича қўшма таълим лойиҳаларини амалга ошириш, шунингдек, маҳалла фаолиятига бағишланган илмий-тадқиқот ишларини биргаликда олиб бориш юзасидан таклифлар билдирилди. Шу билан бирга, БМТ университетининг Ўзбекистонда филиалини очиб масаласи муҳокама қилинди.



Ташриф доирасида Уюшма раиси Япония Маҳаллий ҳокимият органларининг халқаро алоқалар бўйича кенгаши раиси Митсуру Китано билан ҳам учрашув ўтказди. Томонлар маҳаллий бошқарув соҳасида Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги ҳамкорлик истиқболларини атрофлича муҳокама қилди. Хусусан, қўшма таълим дастурларини йўлга қўйиш, мутахассислар алмашинувини ташкил этиш, Япониянинг илғор тажрибасини ўрганиш ҳамда маҳаллалар ва муниципалитетлар ўртасида тўғридан-тўғри ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Навбатдаги учрашув Япония Ички ишлар ва коммуникациялар вазири Эшимаса Хаяши билан бўлиб ўтди. Мулоқода ички ишлар, жамоат хавфсизлиги ва рақамли бошқарув соҳаларида икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди. Жумладан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича илғор тажрибалар алмашиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган профилактика тизимларини такомиллаштириш, рақамли технологияларни давлат бошқарувида кенг жорий этиш, шунингдек, мутахассислар тайёрлаш ва тажриба алмашиш масалалари қўриб чиқилди.

Делегация аъзолари Токио шаҳри мэри Юрико Коике билан учрашув ўтказди. Учрашувда Токиодаги стартаплар экотизими ва инновацион лойиҳалар тажрибаси Ўзбекистон ёшлари учун катта аҳамиятга эга экани таъкидланди. Ёшларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва уларнинг халқаро бозорга чиқишини қўллаб-қувватлаш мақсадида қўшма дастурлар ва тренинглари ташкил этиш режалаштирилди. Бундан ташқари, маҳаллаларда фавуқулда вазиятларга тайёрликни кучайтириш мақсадида Токио тажрибасини ўрганиш бўйича ўзаро келишувга эришилди.

Саҳифани “Mahalla” муҳбири Санжар ИСМАТОВ тайёрлади.

УЮШМА КUNДАЛИГИ

Сунъий интеллект — самарадорликни оширадиган интеллектуал восита

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасида сунъий интеллектни ривожлантириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ҳамда кибержиноятларнинг олдини олишга бағишланган малака ошириш ўқув-семинари ташкил этилди.

Мулоқотлар жараёнида бугунги кунда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик соҳасида юзага келаётган асосий таҳдид ва муаммолар атрофлича муҳокама қилинди. Хусусан, маҳалла тизимида сунъий интеллект технологияларини жорий этиш, улардан тўғри ва самарали фойдаланиш, шунингдек, рақамли муҳитда хавфсизликни таъминлаш бўйича муҳим тавсиялар берилди.



Хўш, маҳаллага сунъий интеллект нега керак? Биринчидан, ҳозирги кунда маҳаллаларга келиб тушаётган муурожаатларнинг аксарият қисми инсон омили асосида сараланмади. Бу эса вақт йўқотилишига сабаб бўлади. Агар мазкур жараёнга сунъий интеллект технологиялари жорий этилса, муурожаатларни матн таҳлили орқали тўғридан-тўғри тоифалаш, тегишли ташкилотга йўналтириш, устуворлик даражасини аниқлаш (шошилинч/оддий) имконияти яратилади.

Иккинчидан, аҳолининг давлат хизматлари ҳақидаги маълумотга бўлган эҳтиёжи юқори, лекин уларнинг кўпчилиги бюрократик жараёнларни тушунамайди. Шу боис сунъий интеллект асосида субсидия, нафақа, имтиёзлар бўйича маслаҳат бериш, ҳужжатлар рўйхати ва бошқичма-бошқич йўриқнома шакллантириш мумкин. Бу ҳолатда телеграм ва мобиль иловалар асосида маҳалла сунъий интеллект ассистенти жорий этилади.

Учинчидан, сунъий интеллект аниқ вақтдаги маълумотларни таҳлил қила олади. Шу маънода маҳалладаги камбағаллик индекси таҳлили, ишсизлик кўрсаткичи, ижтимоий муаммолар “харитаси”, демографик ўзгаришларни прогноз қилиш мумкин. Шунингдек, онлайн овоз бериш натижаларини таҳлил қилиш, асосий муаммоларни тўғридан-тўғри ажратишда бу технологиялар қўл келади.

Умуман олганда, маҳалла тизимида сунъий интеллектни жорий этиш, бу — бошқарув маданиятини ўзгартиришни аниқлади. **Маҳалла тезкор, манзилли, шаффоф ва маълумотга асосланган тизимга айланади.** Муҳим жиҳат шундаки, сунъий интеллект маҳалланинг тарихан шакланган аҳамиятини алмаштирмайди, балки унинг самарадорлигини оширадиган интеллектуал восита вазифасини бажаради.



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Санжар ИСМАТОВ тайёрлади.

РАҒБАТ

“Еттилик” бир марталик моддий рағбат олади

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Хукумат қарорига кўра, тўловлар шахар ва қишлоқ жойлар учун белгиланган ўртача юклама учун **мехнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг бир ярим баравари** миқдорда, ушбу юкламадан кам ёки ортиқ бўлган ҳолларда **рўйхатдан ўтказилган респондентлар сонига мос равишда** белгиланади.

Бу дегани, “еттилик” вакилларига улар рўйхатга олган ҳар бир респондент учун белгиланган миқдорда ҳақ тўланади. Жорий йилнинг апрель ойи якунига қадар барча иштирок этган “маҳалла еттилиги” ходимларига белгиланган тартибда тўловлар тўлиқ тўлаб берилди.

Хукумат қароридан рўйхатга олиш билан боғлиқ айрим тартиблар ҳам белгиланди. Хусусан, Интернет тармоғи орқали рўйхатга олиш саволномасини нотўғри ёки камчиликлар билан тўлдирилган респондентлар қайта рўйхатга олинади. Рўйхатга олиш ушбу ҳолатда 2026 йил 1 майга қадар уй-жой манзилларининг 10 фоизгача қисми танланма равишда назорат кузатуви асосида ўрганилади.



Маълумот учун, рўйхатга олиш тадбири икки босқичда — 2026 йил 15-31 январь кунлари “census.stat.uz” портали орқали онлайн, 4-28 февраль кунлари “маҳалла еттилиги” вакиллари уйма-уй юриши орқали амалга оширилди. Дастлабки маълумотларга кўра, республика бўйича 8,3 миллионга яшовчи аҳоли тўлиқ камраб олинди.



2030 йилга қадар 20 минг нафар ёшни тадбиркорликка ўқитишга мўлжалланган “ЯНГИ АВЛОД ТАДБИРКОРЛАРИ” ДАСТУРИ ишга туширилади.



Кредитлар доирасида шахснинг картасидан АВТОМАТИК РАВИШДА ПУЛ ЕЧИБ ОЛИНГАНИДА, карта ҳисобида камида 1 миллион 236 минг сўм маблағ қолиши шарт.



Худудларда тажриба тариқасида биттадан “МАДАНИЯТ МЕҲМОНҲОНАСИ” МАДАНИЙ КЛАСТЕРИ инвестиция лойиҳаси амалга оширилади.

2026 йил
25 АПРЕЛЬ,
ШАНБА

Mahalla №34

3

ОДАМЛАР ДАРОМАД ТОПИШИДА ТАДБИРКОРЛАР ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ!

ҲУНАРИ БОР ОДАМ — ҲУРМАТИ БОР ОДАМ

Ботиржон Хўжамов ўз уйида атиргул кўчатлари етиштириш билан шуғулланар эди. Унга маҳалла кўмак бериб, лойиҳа ишлаб чиқдик. 10 гектар майдонга кўшимча 150 та хонадон томорқасида гулчилик йўлга қўйилди. Натижада 300 дан ортиқ иш ўрни яратилди.

Гулимизга хорижда ҳам харидорлар кўп

Ҳамидулло ИСМОИЛОВ,
Балиқчи туманидаги
“Қумтепа” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Х а, яқингача маҳаллаимиз ишсизлик ва камбағаллик юқори ҳудуд ҳисобланарди. Бугун эса бундан юрган, ишсиз инсонни топа олмайсиз. Ҳатто, кўшни маҳалла аҳолиси иш излаб келмоқда. Хўш, бу натижага қандай эришдик?

Аввало, “еттилик” ходимлари ҳар бир хонадон вакиллари билан индивидуал ишлаб, ҳудуднинг асосий “драйвери”ни аниқлаб олдик. Гулчилик асосида “Чинобод нурли замин” агрофирмаси қошида марказ ташкил этдик. Бу орқали яна 70 нафар фуқаро доимий, 300 нафари мавсумий иш билан таъминланди. Шунингдек, кўшни маҳаллалардаги қатор хонадонлар билан ҳамкорликда кооперация иш бошлади. Бу орқали 400 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди, улар учун доимий даромад манбаи шаклланди. Утган 2025 йил давомида Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Россия ва Беларусь давлатларига қарийб 1 миллион туп атиргул кўчати экспорт қилинди.

Келгусида шу ернинг ўзида ҳар бир кўчатни алоҳида кичкина кутига солиш, махсус бренд шаклида қадоқлашни йўлга қўйиш режалаштирилмоқда. Агрофирма худудиди атиргул кўчатларини сақлаш учун махсус музлаткич барпо этилган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, қуритилган гул баргидан тайёрланадиган дамлама инсон иммунитетини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бугунги кунда жажон бозорига мазкур маҳсулотнинг 1 килограмм нархи 160-250 АҚШ доллари атрофида баҳоланмоқда. Келгусида атиргулнинг гул баргларидан қиём ва сок тайёрлаш режалаштирилмоқда.



МАҲАЛЛАДА САНОАТ ВА ХИЗМАТ

ТЕМИРЧИЛИК ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТАРМОҒИГА АЙЛАНЯПТИ

Ҳар бир раҳбар, аслида, халқ хизматчиси ҳисобланади. Ташаббус билан изланган эса, албатта, мевасини олади.



Шоҳаббос СОБИРЖОНОВ,
Бувайда туманидаги
“Деҳқонобод” маҳалласи
ҳоким ёрдамчиси.

А малда ҳоким ёрдамчилари учун ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш учун катта имконият ва ваколат берилган. Мисол учун, “драйвер” соҳаларни ривожлантириш орқали натижага эришса бўлади. Худудимиз “драйвери” — темирчилик. Бугунги кунда 700 дан ортиқ хонадон аъзолари мазкур ҳунар билан шуғулланмоқда. Шу боис маҳалла — камбағаллик ва ишсизликдан холи худуд. Ота-боболардан мерос бўлиб келаётган ҳунарни авлоддан авлодга ўтказиш мақсадида “устоз-шоғирд” аънъанаси йўлга қўйилган. Бу эса нафақат маҳаллада, балки кўшни худудларда яшовчи, шунингдек, меҳнат миграциясидан қайтган ёшларнинг ҳунар ўрганиши, бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу тариқа еш мутахассислар темирчиликка ихтисослашган оилавий корхоналарда ойига ўртача 10 миллион сўмгача даромад топтомоқда.

Қувонарлиси, тармоққа инновациялар жорий этилиши натижасида жажон бозорига харидорлар маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми йил сайин ортиб бормоқда. Айни пайтда маҳаллада қурилиш, қишлоқ хўжалиги, томорқа юмушлари ва чорвачилик учун 100 турдан ортиқ маҳсулот тайёрланмоқда.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Тадбиркорни текширмоқчи бўлганлар билиб қўйса...

Самандар АЛИЖОНОВ,
Наманган шаҳри:

— Амалдаги тартибга кўра, давлат хизматчилари тадбиркорлик субъектида текширув ўтказишдан олдин бу ҳаракатни Текширувларни рўйхатга олиш электрон китобига қайд этиши мажбурий эди. Энди бу тартибга ўзгартириш киритилди. Шу янгилик ҳақида маълумот берсангиз. Агар давлат хизматчиси тадбиркорлик фаолиятини текшириш учун келса, қандай йўл тутиш керак?

Аброрбек ЭЪЗОЗХОНОВ,
“Мадад” ННТ ҳуқуқшуноси:

— Дарҳақиқат, текширувчи билан тадбиркор ўртасидаги мулоқотда айрим бузилишлар бўлган. Шу сабабли “Тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашувларни чеклаш ва назорат тадбирларининг шаффофлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент фармони қабул қилинди. Унга кўра, 2026 йил 1 августдан тадбиркор фаолиятини текширишда иштирок этадиган ёки тадбиркор билан мулоқотга киришадиган давлат хизматчилари “Ягона давлат назорати” ахборот тизимининг мобил иловасидан фойдаланишлари мажбурий этиб белгиланади.

“Ягона давлат назорати” ахборот тизимида текшириш ҳуқуқини берувчи махсус гувоҳномаларнинг электрон шаклини юритиш орқали уни қоғоз кўринишида расмийлаштириш тартиби бекор қилинмоқда.

“Бизнес химоя” QR-коди жорий этилади. Унинг доирасида тадбиркор назорат қилувчи ташкилот мансабдор шахсига Текширувларни рўйхатга олиш электрон китобини тақдим этиш тартиби бекор қилинади. Мансабдор шахс текширув ўтказишдан олдин “Ягона давлат назорати” ахборот тизимининг мобил иловаси ёрдамида тадбиркордаги “Бизнес химоя” QR-кодни сканерлаш орқали ҳаракатини рўйхатга олади.



Агар шу орқали текшириш ёки мулоқот ҳақидаги маълумотни белгиланган тартибда “Ягона давлат назорати” ахборот тизимида киритмаса, тадбиркорлар давлат хизматчиси текширув ўтказиш учун ўз худудига қўймаслик ва мулоқотга киришмаслик ҳуқуқига эга.

2026 йил 1 июлдан тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказишда бир вақтнинг ўзида автоматик тарзда “Ягона давлат назорати” ахборот тизимида уларнинг шахсий кабинети очилади.

Саҳифани
“Mahalla”
муҳбири
Хайрулло
АБДУРАҲМОНОВ
тайёрлади.



ИШ БИЛГАНГА БАЛЛИ!

Маълумки, бугунги кунда худудларда оқова сув тақчиллиги кузатилаётган. Табиийки, бу ҳолат аҳоли хонадонидидаги томорқадан самарали фойдаланиш имкониятини чеклаб қўймоқда.

СУВ ТАҚЧИЛ ЖОЙДА ҚАНДАЙ ДАРАХТ ЭККАН МАЪҚУЛ?

Шодмон НАМОЗОВ,
Қишлоқ хўжалигида
билим ва инновациялар
миллий маркази
директори.

Сув кам худудларда дарахт экишда иқлим шароитига мос танлов қилиш ҳақида юқори ҳосил олиш гаровидир.

М утахассисларнинг узоқ йиллик изланишларига кўра, бундай худудларда тўғри экин танлаш муаммога ечим бўлиши мумкин. Чунки аксарият дарахтлар кам сув шароитида яхши ўсмайди. Шу боис ҳар бир худуднинг иқлим ва тулроқ шароитидан келиб чиқиб, мевали дарахт турини танлаш, қурғоқчиликка чидамли, кам сув билан ҳам ҳосил берувчи турларга эътибор қаратиш керак.

Бундай жойларда илдизи чуқур кетиши ва мустаҳкам бўлишини эътиборга олиб, ёнғоқ, кам сув талаб ва сердаромад бодом, наъматак экиш жуда самарали. Бундан ташқари, иссиқ ва қуруқ иқлимга яхши мослашувчи анор ҳам меҳнатингизга мос ҳосил беради. Қолаверса, хандон pista, узумдан юқори даромад олса бўлади.





БОШЛИҒИ ЁШЛАР БЎЛГАН янги ташкил этилган фермер хўжаликларига 2 йил давомида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш бўйича бепул хизмат кўрсатилади.



Тижоратлаштириш салоҳияти юқори бўлган стартап лойиҳалар асосида давлат техникалари ҳузурида "SPIN-OFF" КОРХОНАЛАРИ ташкил этилади.



Ўзбекистонда 2026 йилда 100 минг гектар ер ЯНГИ ШАРТЛАР АСОСИДА аукционга қўйилади.

2026 йил 25 АПРЕЛЬ, ШАНБА

Mahalla №34

5

“ИСТЕЪДОДЛИ ЎФИЛ-ҚИЗЛАР — ЭЛ-ЮРТИМИЗНИНГ ФАХРИ!”

ЕТАКЧИ — ЁШЛАРГА КЎМАКЧИ

ИМКОНИАТ

Бир маҳалланинг икки қаноти: СПОРТДАГИ ШИЖОАТ ВА ИЛМДАГИ МАТОНАТ ФАЛСАФАСИ

Ёшлар билан ишлашнинг гашти бошқача. Улардаги интилиш ва шижоатни кўрганда, хаёлимда янгидан-янги ғоялар туғилади. Айниқса, бугун йигит-қизларга очилаётган имконият эҳкиллари юксак марраларни забт этишига замин яратяпти.

Шоҳрух АБДУМУРОДОВ, Самарқанд шаҳридаги “Бўстон” маҳалласи ёшлар етакчиси.

Айни вақтда маҳалламизда истикомат қилаётган 930 нафар ёшнинг ҳар бири ўзига хос иқтидор ва истеъдод эгаси. Хусусан, эндигина 18 ёшни қаршилаган Муҳаммадали Асадов самбо бўйича республика чемпионатида фахрли 2-уринни эгаллади. Бундан ташқари, аралаш жанг санъати йўналишида ҳам катта ютуқларни қўлга киритиб келяпти. Аслида, юқори натижалар ортида тинимсиз меҳнат ва ҳаракат бор. Спортчимиз олти йил давомида мунтазам равишда машғулотларга қатнаб, ўз устида ишлади. Мана, энди уни тенгдошларига ўрناк қилиб кўрсатяпмиз.



Худудимизда фақатгина спорт эмас, илм-фан йўналиши ҳам жадал ривожланяпти. Бобуржон Ваҳобов давлат тақдим этган 150 миллион сўм ссудадан унумли фойдаланиб, ташкил этган ўқув марказида ҳозирги кунда 400 нафардан кўпроқ бола рус, хитой, араб ва инглиз тилларини ўрганапти. Бундан ташқари, 7 нафар фуқаронинг доимий бандлигини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшяпти. Тадбиркор келгусида фаолиятини янада кенгайтириб, бошқа худудларда ҳам ўқув курсларини очишни мақсад қилган.

Муҳаммадалига йиллар давомида устозлик қилган Азиз Насруллаев маҳалламизнинг хурматга лойиқ кишиларидан. У ташкил этган тўғарақда айни вақтда 70-80 нафар йигит-қиз спорт билан шуғулланыпти. Барчаси ўз олдига катта орзу ва мақсадлар қўйган. Чемпион бўлиб, юрт байрогини кўкларга кўтариш ниятида.

“Етилиқ” ходимлари билан биргаликда асосий эътиборимизни ишсиз ёшларнинг бандлигини таъминлаш, уларнинг касб-хунар эгаси бўлиши учун муносиб шaroит яратишга қаратяпмиз. Айни вақтда “2+6” лойиҳаси асосида 3 нафар ёш касб эгаллаяпти. Келгусида уларнинг сафини янада кенгайтиришни мақсад қилганмиз. Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш мақсадида 6 нафар йигит-қизга имтиёзли кредит ажратилди. Шу орқали худудимизда автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси ва нововойхона ташкил этилди.

Айни вақтда “Беш ташаббус” олимпиадасида алоҳида ёндашув асосида тайёрларлик кўряпмиз. Икки нафар курашчимиздан умидимиз жуда катта. Агар улар голибликни қўлга киритадиган бўлса, маҳалламизда яна бир универсал стадион қурилишига эришган бўламиз. Бу эса яна қанчадан-қанча ёшларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишига замин яратиши шубҳасиз.

КИМДА ИҚТИДОР ЙЎҚДИР...

Кичик маҳалла ёшларининг катта ташаббуслари бор...

Юртимизда ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигини таъминлаш ҳамда янги иш ўринлари яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Шоҳрух ЙЎЛДОШЕВ, Косонсой туманидаги “Соё бўйи” маҳалласи ёшлар етакчиси.

“Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш ва бандлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори доирасида амалга оширилаётган ишлар худудларда ўз самарасини берапти. Бунинг аққол исботини маҳалламиз ташаббускор ёшлари мисолида кўриш мумкин. Улар муҳим лойиҳаларни амалга оширяпти. Мухлиса Ёкубонова Ёшлар ишлари агентлигининг “Кўмак” лойиҳаси доирасида 100 нафарга яқин йигит-қизни ўқитишга мўлжалланган ўқув маркази ташкил этди. Бу орқали хорижий тилларни ўрганиш, замонавий билим ва кўникмаларни эгаллаш имконияти пайдо бўлди. Энг муҳими, чекка худудда яшовчи ёшларга энди узокқа бормасдан, ўз маҳалласида сифатли таълим олиш имконияти яратилди. Бу эса нафақат билим, балки келажак сари мустақам қадам демекдир.

Имконият берилса, ёшлар ҳаракат қилади. Ҳаракат эса, албатта, натижа кўрсатади. Бу фикримизга ёш тадбиркор Мураджон Солиевнинг эришган натижаси мисол. У ҳам тавсия асосида имтиёзли кредит олиб, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш йўналишида ўз бизнесини йўлга қўйди. Қисқа вақт ичида 5 нафар ёшни доимий иш билан таъминлади. Шу каби ёрдам орқали Қобилжон Тўйчиев қурилиш моллари ишлаб чиқарувчи корхонага асос солди. Бугунги кунда у ҳам 5 нафар ёшни иш билан таъминлади. Ишчи-ҳодимларига 5 миллиондан 7 миллион сўмгача ойлик маош тўлаяпти.

Айни шу давларда “Ёшлар куни” доирасида изланувчан, креатив фикрлайдиган ва иқтидорли ёшлар билан очик мулоқотлар ўтказиб



борапмиз. Мулоқот жараёнида тадбиркорлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, илғор ғоя ва ташаббусларни амалиётга татиқ этиш масалалари юзасидан чоралар белгилаб оляпмиз.

Ёшларга бирор ёрдамим текканда уларнинг хурсандлигини кўриб, ўзимда фахр туяман. Кўзларидаги миннатдорлик акси, дилларидаги шукроналик туйғуси — меҳнатимизга берилган муносиб баҳодир. Шундай пайтда бу касбни танлаб адашмаганимни ҳис қиламан.

Маржона ИСМАТОВА, Тошкент шаҳри:

— Бу йил олийгоҳни тамомлайман. Яқинда ёшларни давлат хизматига қабул қилиш бўйича янги тартиблар белгиланибди. Шу ҳақда маълумот берсангиз...

Сардор ЖЎРАЕВ, Ёшлар ишлари агентлиги бўлим бошлиғи:

— Дарҳақиқат, шундай. “Янги Ўзбекистон ёшлари — 2030” стратегиясини 2026-2027 йилларда амалга ошириш ҳамда ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарорига асосан, ёшларни давлат хизматига қабул қилиш жараёнида ягона ёндашув таъминланади. Қарорга кўра, 2026 йил 1 июлдан суҳбат босқичида берилган саволлар (топшириқлар) давлат ташкилотининг расмий веб-сайтида камида 1 ой олдин эълон қилинади, 1 ой олдин эълон

ЁШЛАР СЎРАЙДИ...

ИШГА КИРИШ САВОЛЛАРИ ОЛДИНДАН ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИМИ?



қилинмаган саволларни номзодларга бериш таққиланади. Шунингдек, меҳнат бозорига талаб юқори бўлган ҳамда замонавий касблар реестри шакллантирилади. Реестрга киритилган касбларга ўқиган ёшларнинг касбий кўникмаларини баҳолаш

— миллий сертификациялаш тизими жорий этилади. Миллий сертификат олган Ижтимоий реестрга киритилган оилаларнинг фарзандларига ўқиш ва имтиҳон харажатлари “Ёшлар дафтари” жамғармаси ҳисобидан қўллаб-қувватланади.

ЁШЛИКНИНГ ЯНГИ “ИМЗОСИ”: ИСЛОҲОТ, ИШОНЧ, ИСТИҚБОЛ!

Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолиси 38 миллион нафарни ташкил этса, шундан 9,5 миллиони ёки қарийб 25 фоизи 14-30 ёшдаги йигит-қизлардир. Йил сайин ўртача 270 мингта ёш оила шаклланиши демографик жиҳатдан ёшлар сиёсатига узок муддатли, тизимли ва комплекс ёндашув зарурлигини кўрсатади.



“Янги Ўзбекистон ёшлари — 2030” стратегиясини тасдиқлаш ҳамда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармони айни йўналишдаги ишларни янги босқичга олиб чиқади. Фармон билан 2026-2030 йилларга мўлжалланган “Янги Ўзбекистон ёшлари — 2030” стратегияси тасдиқланди ҳамда унинг устувор йўналишлари белгиланди. Айтиш керакки, бу мамлакатимизда ёшларга оид қабул қилинаётган биринчи яхлит стратегия бўлиб, ёшларнинг ўрни ва салоҳиятини янада тўлиқ рўёбга чиқаришга қаратилган.

Ҳужжатга мувофиқ, 2026 йил 1 июлга қадар нодавлат қўшимча таълим муассасаларида юқори натижага эришган ўқитувчиларни хорижий илғор марказларга стажировкага юбориш тизими йўлга қўйилади. Шунингдек, олис худудларда хорижий тилларни ўқитишни ривожлантириш учун имтиёзли молиявий тизимлар жорий этилади. Жумладан, фаолиятини кенгайтирмоқчи бўлган таълим субъектларига БҲМнинг 730 бараваригача миқдорда фойзсиз қарз (ссуда) ажратилади.

2027 йил 1 январдан бошлаб, уй-жойга муҳтож ёш оилаларга бирламчи бозордан квартира сотиб олиш учун ипотека кредитлари тақдим этилади. Фойз тўловларининг Марказий банк асосий ставкасидан ошган қисми Давлат бюджетни ҳисобидан қўллаб-қувватланади. Мазкур имтиёздан фойдаланиш учун ариза берувчи ва унинг турмуш ўртоғи 30 ёшдан ошмаган бўлиши, шунингдек, сўнги 3 йил давомида улар номида кўчмас мулк мавжуд бўлмаслиги талаб этилади.




2027 йилдан бошлаб ҳар икки йилда бир марта 12 август — Халқаро ёшлар куни арафасида “Авлодлар мулоқоти” халқаро конгресси ўтказилади. 2026 йилдан эса ҳар йили сентябрь ойида “Ёшлиқ — ҳаётнинг бахтли ва олтин даври” шиори остида умуммиллий ёшлар фестивали ташкил этилади.

Фармонга кўра, ижодий салоҳиятни рағбатлантириш мақсадида “Илғор ижодкор” Президент мукофоти жорий этилиб, шеърят, драматургия ва болалар адабиёти йўналишлари бўйича энг яхши муаллифлар БҲМнинг 200 баравари миқдорда мукофотланади. Ҳар бир худудда махсус ихтисослашган кўчаларда китобхоналик инфратузилмаси — кутубхона, “book safe” ва китоб дўконлари ташкил этилади. Китоб сотувини ойига 10 мингдан оширган тадбиркорларга 1 миллиард сўмгача Марказий банк асосий ставкасининг 50 фоизи миқдордаги фойз ставкасида 3 йилгача мудатга ссуда ажратилади.

Умуман олганда, Стратегия орқали ҳар йили 600 минг нафар ёшнинг бандлиги таъминланади, 2030 йилга қадар 900 минг нафар ёш волонтерликка жалб этилади. Ўқув марказлари сони 90 мингтага етказилиб, 450 минг нафар ёшнинг хорижий тиллар бўйича билими “В2” даражасига олиб чиқилади. Ёшлар жиноятчилиги 40 фоизга камайдирилиб, ҳар йили камида 10 мингта ёш оила ипотека орқали қўллаб-қувватланади.



Реновация лойиҳаларида МУЛҚДОРЛАРГА ТУЛАНДИГАН КОМПЕНСАЦИЯ БОЗОР ҚЙМАТИДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ БЕЛГИЛАНАДИ.



Ўзбекистонда коммунал қарздорлик мавжуд эмаслиги бўйича МАЪЛУМОТНОМАНИ ОНЛАЙН ОЛИШ мумкин бўлади.



Ўзбекистонда ҚИММАТБАҲО ТОШЛАРНИ НОҚОНУНИЙ ОЛГАНЛАР 1 йилгача қамалиши мумкин.

“ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚАДР-ҚИММАТИ — ШАЪН ВА ҒУРУР МАСАЛАСИДИР!”

МЕНДА САВОЛ БОР...

Гулчеҳра ОЛИМОВА.
Қашқадарё вилояти:

— Ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болалар учун парваришlash нафақаси тайинlash тартиби қандай? Шу ҳақда тўлиқроқ маълумот берсангиз.

ПАРВАРИШЛАШ НАФАҚАСИ ҚАНДАЙ ТАЙИНЛАНАДИ?

Оттабек БОЗОРОВ,
Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Қашқадарё вилояти бошқармаси бош мутахассиси:

— Ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларнинг парвариши билан банд бўлган онаси ёки қонуний вакилига ҳар ой нафақа тўланади. Ҳозирги вақтда парвариш нафақаси миқдори 820 000 (саккиз юз йигирма минг) сўмни ташкил этади.



Парвариш нафақасини тайинlash қўйидаги тартибда амалга оширилади:

- 18 ёшгача ногиронлиги бўлган болани тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси тиббий кўриқдан ўтказди;
- Тиббий кўриқ натижаларига кўра, бола белгиланган тартибда “Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ногиронлиги бўлган 18 ёшгача бола” экани “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизими “Тиббий-ижтимоий экспертиза” модули орқали белгиланади.
- Ушбу тоифа Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 8 февралдаги “Тиббий-ижтимоий экспертиза хизмати ташкилий тузилмасини ва фаолиятини ташкил этишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиqlash тўғрисида”ги ҳамда 2025 йил 16 сентябрдаги “Ногиронлиқни белгилash тизими рақамлаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қарорларига асосан, 18 ёшгача ногиронлиги бўлган болалар ногиронлиқ белгилash жараёнида касалликлар турига қараб ўзгалар парваришига муҳтож бўлган болалар учун қонуний вакилга (ота-она, васий, ҳомий, патронат ота-она ёки фарзандлиққа олувчи) бола 18 ёшга тўлгунга қадар мурожаат талаб этмаган ҳолда “проактив шаклда” тайинланади.

Оғир дамлар синов, аммо қувонч, албатта, келади



Ҳар бир ишнинг ҳикмати бор. Баъзан бошимизга келган синовлардан нолиймиз, тақдирни айбдор билиб, тушқунликка тушиб қоламиз. Орадан фурсат ўтиб, қийинчиликлар ортдан қувончли кунлар келишини эса кеч англаб етамиз.

Зилола ИСМАТОВА,
Пискент туманидаги “Мўминобод” маҳалласи ижтимоий ходими.

аолиятим давомида бундай кечмиш эгаларини кўлаб учратяпман. Уларга дастак бўлиш асосида ўзим учун шу каби ҳаётини худосаларни чиқаряпман. Зиммамдаги масъулиятни виждонан адо этиш туйғуси эса мени доим халқ орасига етаклайди.

Жумладан, II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс Бобур Жўраев давлат таъминотидаги оила сифатида рўйхатга олинган бўлиб, унга доимий равишда ижтимоий ёрдамлар кўрсатиб келинмоқда. Хусусан, у бир марталик ҳамда 6 ойлик моддий ёрдам билан таъминланган, “Вақф” жамғармаси орқали озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилган. Шунингдек, давлатимиз Рамазон ойи муносабати билан ажратган имтиёзлар асосида жарроҳлик амалиётидан фойдаланиш имкониятига эга бўлган. Ҳозирда фуқаро тиббий кўриқдан ўтказилиб, санаторийга бориш учун навбатга қўйилган. Бу эса унинг саломатлигини тикlash ва ҳаёт сифатини яхшилашга хизмат қилди. Оилавий барқарорликни таъминlash мақсадида Бобур аканинг турмуш ўртоғи Динора Жўраева касб-хўнарга ўқитилиб, иш билан таъминланди. Натижада хонадон вакиллари-нинг даромади ошиб, турмуш шароити сезиларли даражада яхшиланмоқда. Маҳаллада яна бир ижобий мисол сифатида Бобур Мирзаев ҳаёти эътиборга лойиқ, У Ижтимоий реестрда турувчи фуқаро сифатида касб-хўнарга йўналтирилиб, бугунги кунда электр монтаж йўналишида малакали мутахассисга айланди. Фуқаро ўз ҳовлисида енгил автомобилларга хизмат кўрсатиб, мустақил даромад манбаига эга бўлган.



ФАОЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ

СИЗ ЁЛҒИЗ ЭМАССИЗ...

Боёвут туманининг Муқимий номидаги маҳалласида яшовчи Эътибор опа бир вақтлар қанчадан-қанча оғир ҳолатлар билан юзма-юз келган. Соғлиғидаги муаммолар, ҳужжатлардаги камчиликлар, барқарор даромад манбаининг мавжуд эмаслиги ва фарзандлари учун чекланган имкониятлар оила вакиллари-ни қийин вазиятга тушириб қўйди.

МУСТАҚИЛ ДАРОМАД ИШОНЧЛИ ТАЯНЧГА АЙЛАНДИ



Шоҳруҳ АБДУРАЙИМОВ,
Боёвут туманининг Муқимий номидаги маҳалла ижтимоий ходими.

Комплекс ёндашув унинг ҳаётини босқичма-босқич ўзгартирди. Биринчи навбатда, унга “Саховат ва қўмақ” жамғармаси орқали даволаниш учун моддий ёрдам ва озиқ-овқат маҳсулотлари ажратилди. Фуқарога II гуруҳ ногиронлиги белгиланиб, ижтимоий ҳимоя чоралари кучайтирилди. Оиласи Ижтимоий реестрга киритилиб, болалар нафақаси тайинланди. Фарзандлари мактаб тўғарақларига жалб этилди. Эътибор опа ва унинг қизига юридик хизматлар кўрсатилиб, шахсини тасдиқловчи ҳужжат тўловидан озод қилинган ҳолда расмийлаштириб берилди. Аёлга уй шароитида тикувчилик билан шуғулланиш имконияти яратилди. Бугун Эътибор опа мустақил даромадга эга, фарзандлари учун ишончли таянчга айланди.

Ижтимоий ҳимоя — инсон ҳаётидаги муаммоларни алоҳида эмас, балки ўзаро боғлиқ ҳолда ҳал этиб, унинг ҳаёт сифатини тубдан ўзгартиради.

Бу каби мисоллар маҳаллада олиб борилаятган ижтимоий ишларнинг нафақат қозғалди, балки амалда ҳам ўз самарасини бераётганини кўрсатади. Энг муҳими, бу тизим орқали инсон қадри улуғланиб, ҳар бир фуқаронинг муаммоси эътибордан четда қолмаяпти. Бу жараёнда менинг ҳам ҳиссам борлигини ҳис қилиш эса чинакам бахт.

Йил бошидан буён идорага 200 дан ортиқ мурожаат келиб тушган бўлиб, уларнинг 90 фоиздан ортигини ижобий ҳал этишга эришдик. Айниқса, 157 нафар ногиронлиги бўлган шахсни қўллаб-қувватlash борасида тизимли ишлар олиб борапмиз.

БИЗДАН ФАҚАТ МЕХР ҚОЛАДИ...

“Voice Up — 2026”: ёшлар учун янги имкониятлар майдони

Бухоро вилоятида ёшларнинг салоҳиятини юзага чиқариш, уларни ижтимоий фолликка ундаш ҳамда жамиятда тенг имкониятлар муҳитини мустақамлашга қаратилган “Voice Up — 2026” инклюзив ёшлар оромгоҳи бўлиб ўтди.

Зарнигор НАФИДИНОВА,
журналист.

Мазкур лойиҳа нафақат ёшлар учун янги таъжриб майдони, балки инновацион ғоялар, дўстлик ва ҳамжиҳатлик масканига айланди. Оромгоҳда вилоятдан ташриф буюрган 56 нафар ёш стартап ва инклюзив лойиҳаларини тақдим этди. Улар орасида ногиронлиги бўлган ёшларнинг ҳам борлиги лойиҳанинг чин маънодаги инклюзив моҳиятини намойён этди. Бу эса барча йигит-қизларга ўз салоҳиятини намойиш этиш, ташаббусларини илгари суриш ва жамият ҳаётида фаол иштирок этиш имконини берди.

Лойиҳа доирасидаги дастлабки манзил Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги вилоят бошқармаси ҳамда Бухоро тумани “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази бўлди. Иштирокчилар бу ерда аҳолига кўрсатилаётган хизматлар, ижтимоий қўллаб-қувватlash тизими, ижтимоий қўллаб-қувватlash ва яратилган шароитлар билан яқиндан танишиди. Самимий мулоқот давомида ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олиб, соҳадаги ислохотлар ҳақида батафсил маълумотларга эга бўлди. Бу учрашув уларда ижтимоий масъулият ҳиссини янада мустақамлади.

“Voice Up — 2026” оромгоҳида назарий ва амалий машғулотлар ҳам қизгин руҳда давом этмоқда. Иштирокчилар кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда турли тренинг ва психологик машғулотларда фаол қатнашди. Жараён давомида улар нотиклик санъати, ўз фикрини эркин ва ишонч билан ифодалash, жамоа билан ишлаш, лидерлик кўникмалари ҳамда шахсий ривожланиш бўйича муҳим билимларга эга бўлди.

Оромгоҳнинг энг муҳим жиҳатларидан бири — ёшлар ишлаб чиққан инновацион лойиҳалар тақдимоти бўлди. Тадбир давомида вилоят ҳокими ҳамда масъул ташкилот раҳбарлари иштирокчиларнинг ғоялари билан яқиндан танишиди. Жумладан, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоийлашувини таъминlashга қаратилган “Қалб қўзи”, “Смарт қўлоқ”, “Тиме Пилл”, “Юкланиш” каби лойиҳалар алоҳида эътибор қозонди. Ушбу ташаббуслар имконияти чекланган инсонлар учун қўлайлик яратиш, қундалиқ ҳаётини енгиллаштириш ва янги имкониятлар эшигини очишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Мутасаддилар лойиҳа муаллифларининг ғояларини юқори баҳолаб, уларни қўллаб-қувватlash ва келгусида ривожлантириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирди.



Мазкур оромгоҳ ёшларнинг ташаббускорлиги, креатив фикрлаши ва жамият тараққиётига бефарқ эмаслигини яққол намойён этмоқда. Энг муҳими, лойиҳа орқали инклюзив жамият барпо этиш йўлида яна бир муҳим қадам ташланмоқда.



Тошкентда 18 та янги туризм кўчаси ташкил этилади, 500 та янги объект ишга туширилади, 7 мингтагача янги иш ўрни яратилади.



IBC GLOBAL: Ўзбекистон омбор салоҳияти бўйича дунёда ТОП-10таликдан жой олди.



Санъат ва маданият мактабларида ўқиш ва яшаш харажатлари тўлиқ бюджетдан қопланади.

2026 йил
25 АПРЕЛЬ,
ШАНБА

Mahalla №34

7

“ҲАЛОЛ МЕҲНАТ — ХОТИРЖАМ ҲАЁТ ВА ФАРОВОН ЖАМИЯТ ГАРОВИ”

МУЛОҲАЗА

ҲАР ҚАНДАЙ ТАРТИБ ФУҚАРОЛАРГА ТЎСҚИНЛИК ЭМАС, ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИШИ КЕРАК

Ўтган кунни ҳамкасбим машинани йўл бўйида тўхтатиб, “тез-да чиқаман”, деб дўконга кириб кетди. Одатда, кўп қолиб кетмасди, бу сафар “ҳа деганда” чиқармади. 15-20 дақиқа ўтдики, ундан дарак йўқ, охири хавотир олиб, биз ҳам дўконга кирдик.



Мақсадбек Қўқорқов.

Харидор унчалик кўп эмас, икки-уч киши бор, холос. Бироқ озиқ-овқат маҳсулоти билан бирга, 4 қўти сигарет харид қилаётган мижоз бошқа харидорларни ҳам куттириб қўйибди. Гап харид пулини тўлашда эмас, балки махсус қурилманинг сигарет қутисидидаги кичкина QR-кодни ўқиши кийин бўлаётганида экан. Хабарингиз бор, 1 апрелдан мамлакатимизда айрим хизмат турлари, жумладан,

ёқилғи, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари савдосини нақдсиз тўловлар орқали амалга ошириш тартиби жорий этилган эди. Дастлаб бу тартиб аксарият хайдовчиларда норозилик уйғотди. Хусусан, кўшни давлатдан юртимизга келиб, нақд пулга бензин қўйишга рухсат ололмаган фуқаронинг эътирози ҳам жамоатчилик орасида муҳокамаларга сабаб бўлган эди. Тўғри, бу яширин иқтисодийнинг олдини олаётган бўлиши мумкин, лекин харидору тadbirkorларга, энг муҳими, туристларга бир қатор ноқулайликлар туғдирапти.

Масалан, юртимизга келган бирор сайёҳ автомобилга ёқилғи қўймоқчи бўлса ёки умумий оқватлиниш шохбасига кириб, нақд пулда спиртли ичимлик харид қилмоқчи бўлса, нима қилади? Қаловини топсанг, қор ҳам ёғади, деганларидек, умумий оқватлиниш корхоналарида алкоголь маҳсулотларини нақд пулда сотишга рухсат этиладиган бўляпти. Кунни кеча Ўзбекистон Савдо-саноат палатасида шу соҳа вакиллари билан бўлиб ўтган очик мулоқотда Солиқ қўмитаси раиси Фаррух Пулатов мазкур тартибга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилгани, ҳозирда тегишли идоралар билан келишилаётганини билдирди. Демак, 1 апрелдан бошлаб, “фақат электрон тўловлар орқали амалга оширилади”, деган амалиётнинг бошқа йўналишларини ҳам қайта кўриб чиқишга имконият, умид бор. **Очик мулоқотда тadbirkorларни қийнаётган яна бир муаммо** — умумий оқватлиниш корхоналарида ходимлар сони ошгани сари ҳисоботлар ҳамжи ҳам ортиб бораётганини қайд этилди. Таъкидлашнинг, айрим ҳолатларда бир хил маълумотлар турли тизимларга қайта-қайта киритилиши ортиқча вақт ва ресурс талаб қилмоқда. Шу боис статистика ҳисоботларини

солиқ тизимлари билан интеграция қилиш, тақорланувчи маълумотларни автоматик тарзда олиш, ҳисоботлар сонини оптималлаштириш кераклиги айтилди. Мақсад — тadbirkorлар учун ҳисобот юкени камайтириш ва иш жараёнларини соддалаштириш. **Бугун тadbirkorларни яна бир оғрикли масала қийнапти.** У ҳам бўлса, кафе ва рестороанларда кадр масаласи: ходимларни расмий ишга қабул қилиш тартиби. Маълумки, амалдаги қонунчилик барча учун бир хил: давлат ташкилоти бўладими ёки бизнес — ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш тартиби умумий қоидалар асосида амалга оширилади. Бироқ умумий оқватлиниш соҳасида вазият бошқача: ходимлар кўпинча қисқа муддатда ишлайди, айримлари ҳатто кунлик асосда жалб қилинади, иш ҳамжи ва жадвал ҳам доимий эмас. Шу боис мавжуд тартиб бу соҳага мос эмас. Натижада кўпчилик ходимларни расмийлаштиришдан қочишга, яширин иқтисодиётга йўл очишга мажбур бўляпти.

Таклиф: тadbirkorларнинг шахсий кабинет орқали паспорти ёки ID-карта асосида рўйхатдан ўтказиш, иш бошлаш ва тугатиш вақтини қайд этиш, “кунлик” ёки “соатбай” иш ҳақини расмий ҳисоблаш ва тўлаш, ижтимоий солиқ ҳамда бошқа мажбурий тўловларни автоматик ҳисоблаш тизимини жорий этиш керак.

Бундай очик мулоқотлар сабаб тadbirkor ва харидорлар учун дастлабки қадамлар ташланди. Ўйлаймики, бу қадамлар давомли ва манфаатли бўлади. Шунини унутмаслик кераки, ҳар қандай тартиб-қоида фуқароларга тўсқинлик эмас, аксинча, қулайлик яратишга хизмат қилиши керак.

СОЛИҚЧИ — КЎМАКЧИ

Жаримага тортиш эмас, қонуний йўл-йўриқ кўрсатган маъқул

огоҳ бўлинг!
ТАДБИРКОРЛАР, ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, СОХТА ХАТЛАР ЮБОРИЛЯПТИ

Сўнгги кунларда Тошкент шаҳар солиқ бошқармаси ҳамда Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро солиқ инспекцияси номидан тadbirkorларга сохта электрон хатлар юборилаётгани аниқланмоқда.



Иш тажрибамдан билияманки, одамлар орасида қанчалик кўп юрсак, натижа шунча яхши бўлади. Ушбу маҳаллаларда яқинда иш бошлаган бўлсам-да, ҳар кун навбатма-навбат учта маҳаллани айланиб, солиқ тўловчилар билан мулоқотда бўляпман, уларга солиқ қонунчилигидаги ўзгаришлар, тизимга оид мажбурият ва имтиёزلарни етказиб, бирор маслаҳат керак бўлса, йўл-йўриқ кўрсатяпман.

Мақсуда БОЙЖОНОВА, Урганч туманидаги “Чўлобод”, “Оёқбоғ”, “Янги ўртабоб” маҳаллалари солиқ инспектори, “Шухрат” медали соҳиб.

“Янги ўртабоб” маҳалласи Равнақ кўчасида яшовчи бир аёл киши ўз уйида озиқ-овқат



дўкони очмоқчи эканини билдирди. Бироқ етарли маблағи йўқлиги, шу боис ишни нимадан, қандай бошлашни билмаётганини айтиди. Бу борада унга солиқ қонунчилиги бўйича маълумот бериб, имтиёзли кредит олишни маслаҳат бердим. Ҳозир дўконини таъмирляпти, тез

орада кредит олиб, иш бошлайди. Натижада ўз уйида даромад топиб, кўни-кўшнларининг узоғини яқин қилади. Қолаверса, яна бир солиқ тўловчи пайдо бўлади. Аслида ҳам асосий ишимиз солиқ тушувларини ўз вақтида ундирилишини таъминлаш

ҳамда қўшимча тadbirkorлик субъектларини ташкил этиш орқали солиқ базасини кенгайтиришдир. Бироқ икки ойлик фаолиятим давомида хатловдан ўтказиш жараёнида кўрапманки, ҳамон савдо-сотик хизмат кўрсатиш соҳасида солиқдан қочиш ҳолатлари кузатиляпти. Шундай инсонлар билан тушунириш ишлари олиб бориб, уларни жаримага тортишни эмас, қонуний йўл-йўриқ кўрсатиб, ўзини ўзи банд қилиш ёки яққа тартибдаги тadbirkorлик субъекти шаклида рўйхатдан ўтиб, расмий иш бошлашига кўмаклашяпман.

Масалан, март ойида Одилбек Бектурдиев ва Раҳматжон Отабоев сартарошлик бўйича ЯТТ сифатида фаолият бошлади. Қисқа фурсатда 15 тадан ортиқ ҳужжатсиз норасмий фаолият юритаётган тadbirkorлар фаолиятини расмийлаштирдим.

Шундай кунлик иш тартибимиз натижасида март ойида 472,66 миллион сум солиқ тушуви ундирилиб, ойлик режани 103 фоизга бажардим. Шунинг ҳисобига ойлик маошимдан ташқари, қўшимча рағбатлантирувчи моддий маблағ ҳам олдим.


Бундай рағбат янада кўпроқ ишлашимга туртки бўляпти. Шу боис фуқаролар билан янада кўпроқ ишлаб, уларга мол-мулк ва ер солиғини ўз вақтида тўлашларини, тўлаётган солиқларининг 15 фоизи “маҳалла бюджети”га туширилиб, ҳудуд инфратузилмасини яхшилашга, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларга кўмаклашишга ишлатиётганини тушуниряпман. Мулоқот ва тарғиботлар ўз натижасини кўрсатяпти, ҳозир олдингидек, йиллар давомида солиқ қарздорлиги бор фуқаролар йўқ аксинча, мол-мулк ва ер солиқларини олдиндан тўлашга ҳаракат қилипти. Мана, апрель ойининг ярмида 2 570 нафар мол-мулк, 2 386 нафар ер солиғи тўловчисининг 40 фоизи солиқ тўловларини юз фоиз тўлаб бўлишди.

Келгуси режам: аниқ, самарали иш олиб борадиган тadbirkorлар сонини ошириш, фаолиятларига тўсқинлик қиладиган муаммоларни ечиш орқали фаолиятини ривожлантириш, солиқ қарздорликларига йўл қўймайлик ҳамда янги иш ўринлари яратишига кўмаклашишдир.

Таклифим: мактаб ва университетлар таълим дастурига маълум муддат солиқ соҳаси бўйича дарс соатлари киритилиши керак. Шунда келажакда солиқ тўловчилар ордидан қувиб юришимизга ҳўжат қолмайди.

Нозим БЕРДИЕВ, Сурхондарё вилояти: — 2025 йилда чет элдан пул ўтказмаси олган эдим. Солиқ ташкилоти бунинг учун солиқ ҳисоблашга ҳақлими?

Абдуқоҳхор МАҲМУДОВ, Солиқ қўмитаси бўлим бошлиғи: — Агар жисмоний шахс жисмоний шахсдан пул маблағи олган бўлса, унда бу даромад солиққа тортилмайди ва жами йиллик даромад тўғрисида декларация тақдим этилмайди. Агар жисмоний шахс хорижий юридик шахсдан даромад олган бўлса, у ҳолда ушбу даромад 1 апрелгача тақдим этилиши керак бўлган декларация асосида солиққа тортилади.



ЧЕТ ЭЛДАН ПУЛ ОЛГАНЛИК УЧУН СОЛИҚ ТўЛАНАДИМИ?

Тижорат банклари солиқ ташкилотларига хорижий юридик шахсдан жисмоний шахснинг ҳисобварағига чет элдан келиб тушган маблағлар тўғрисида умумлаштирилган маълумотлар

ни тақдим этади. Агар солиқ тўловчи 1 апрелгача ушбу даромад бўйича декларация тақдим этмаса, солиқ ташкилоти ўзида мавжуд маълумотларга асосланиб солиқ ҳисоблайди.



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Рустам ЮСУПОВ тайёрлади.



Почта харажатлари, коммунал қарздорлик, БҲМнинг 5 бараваридан ошмайдиган суммалар СОДДАЛАШТИРИЛГАН ТАРТИБДА ундирилади.



Ер, мулк ва бюджет маблағларига оид айрим турдаги низозлар ҲАҚАМЛИК СУДЛАРИДА КЎРИБ ЧИҚИЛМАЙДИ.



Камералар жарима балларини ёза бошлагач, дастлабки 22 кунда 22,6 минг ҳайдовчи жарима баллари олди.

“МАҲАЛЛА ТИНЧ ВА АҲИЛ БЎЛСА, ЖАМИЯТ ТИНЧ, ҲАМЖИҲАТ БЎЛАДИ”

ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА

ЭЙ, СИЗ ОДАМЛАР, ЭССИЗ ОДАМЛАР...

Аслида, жиноятнинг биттаси ҳам ачинарли ҳолатдир



Худуддаги кўп қаватли уйларнинг бирида яшовчи ўсмир муқаддам жиноят содир этиб, жазони ўтаб қайтди. У билан суҳбатлашиб, бандлигини таъминлаш чорасини кўрдик. Суҳбат жараёнида йигитнинг қўлида гулдек хунари борлигини аниқладик.

Сардор ЭРГАШЕВ, Кўкон шаҳридаги “Райхон” маҳалласи профилактика катта инспектори.



Яъни ёғоч, металл, пластмассадан ясалган буюмларга ишлов бериш, уларни йувиш, кесишни яхши ўзлаштирган экан. Шундан келиб чиқиб, қизиқиши бўйича ёрдам бердик. Натижада соғлом турмуш тарзига қайтди.

Англаганингиздек, ҳеч бир ҳолат “еттилик” эътиборидан четда эмас. Маҳалланинг тинч ва осуда ҳудудга айланиши учун ходимлар ҳамкорликда иш олиб бораёпти. Аҳоли турмуши сифатининг яхшиланаётгани жамоат хавфсизлигини таъминлашда муҳим урин эгаллаётди. Битта жиноят содир бўлишига ачинарли ҳолат сифатида қараймиз. Шу боис ҳамма бирдек жон қуйдириб, оилалар муаммосидан тўлиқ хабардор бўлиб, уларни ҳал этишга кўмаклашяпти, жиноятнинг барвақт олди олиняпти. “Қизил” тоифадан “яшил”га ўтишимизнинг шу каби бир қатор омиллари бор.

“Пойтахт намунаси” асосида профилактик ишлар умумий тарзда эмас, балки ҳар бир хонадон, ҳар бир оила кесимида олиб бориляпти. Таълим муассасалари, маҳалла ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасидаги ҳамкорлик мутлақо янги, самарадор шаклга ўтказилди.

Мавжуд 78 та кўп қаватли уйларнинг кириш қисмига ташвиш тугмалари ўрнатдик. 24 таси замонавий кодли кириш эшиклари билан жиҳозланди. Жамоат тартибини назорат қилиш мақсадида 128 та кузатув камераси ишлаб турибди. Уларнинг 74 таси ҳомийлик маблағлари ҳисобидан олинди. 14 та кўп қаватли уй томига қуёш панеллари ўрнатилиб, электр таъминотида барқарорлик ва иқтисодий самардорлик таъминланяпти.

Худудимизда 8 828 нафар аҳоли истиқомат қилса, уларнинг аксарияти ёшлар. Шу боис йигит-қизлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратганмиз. Чунки сал бепарволик қилсак, “ер чизиб” қолишимиз мумкин. Айниқса, бугунги глобаллашув жараёнида ёшларни қаровсиз ва назоратсиз қолдирмаслик — давр талаби.

ҲАР НЕКИ КЕЛСА БОШИНГГА, ТИЛИНГ ДАН КЎР, ТИЛИНГ ДАН...

Халқимиз бошингга нима келса, бировдан эмас, ўзингдан кўр, деб бежиз айтмаган. Бу ҳикматнинг замирида бошингга тушадиган ташвишларга, одатда, тилни тиймаслик сабаб бўлади, деган фикр бор.



Сардор БОЗОРОВ, Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар суди тергов судьяси.

Яна бир ҳолатда шаҳарнинг “Нефтчи” маҳалласида истиқомат қилувчи Жасур Суяровнинг юзи шувут бўлиб қолди. У 2026 йил 10 февраль кунини кечқурун маст аҳволда озик-овқат маҳсулотлари сотиб олиш учун Қарликбоғот кўчасида жойлашган савдо дўконига киради. Дўкон сотувчиси Ш.Усмонова унга олган маҳсулотлари нарҳини ҳисоблаб беради. Аммо айтилган пул маст аҳволдаги Ж.Суяровга қимматдек туюлади. Шунинг учун сотувчи аёлдан қайта ҳисоблашни талаб қилади. Аммо Ш.Усмонова электрон ҳисоблаш машинасида қайта ҳисоблағач, эркак “қиммат ҳисоблашинг” деб бақириб, сотувчининг шаъни ҳамда кадр-қимматини қасддан камситувчи сўзлар билан ҳақорат қилади.

Иш судда кўриб чиқилди. Фурқат Ҳазратқулов Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 59-2-моддаси 2-қисмида, Искандар Ҳазратқулов ва Зулфия Тураева эса ушбу кодекснинг 52-моддаси 2-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни содир этган, деб топилди. Ўз навбатида, келин бўлимиш З.Маллаева ҳам ўз хатти-ҳаракати билан кодекснинг 41-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган.

Қарши шаҳридаги “Қўрғонча” маҳалласида яшовчи Искандар Ҳазратқулов, унинг хотини Зулфия Тураева ва ўғли Фурқат Ҳазратқулов билан келини Зулхумор Маллаева ўртасида жанжал келиб чиқади. Натижада улар келинга тан жароҳати етказишади. Бунга чиқолмаган келин турмуш ўртоғини шаъни ҳамда кадр-қимматини қасддан камситувчи сўзлар билан ҳақорат қилади.

Ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришда маҳалла фаоллари, оқсоқоллар кўмағига таянганмиз. “Бир болага етти маҳалла — ота-она” тамойили асосида кўни-кўшничилик муносабатларини мустаҳкамляпмиз. Мунтазам равишда “Ҳуқуқбузарлик ва жиноятдан холи ҳудуд” номли ойлик ташкил этиб бораёпмиз.

ИЛЛАТНИНГ ИЛДИЗИ ҚАЕРДА?

ЎША КУНГИ МАСТЛИК, РОСТДАН ҚОТИЛЛИК БЎЛДИ


Хонқа туманининг “Дўстлик” маҳалласида ўта оғир жиноят содир этилди. Спиртли ичимлик истеъмол қилган бир гуруҳ фуқароларнинг жанжали қасддан одам ўлдириш билан якунланди. Аслида бу кўнгилсизликнинг олдини олиш мумкин эди.

Хонқа туманининг 9 апрель кунини 2004 йилда туғилган йигит билан мастлик ҳолатида бўлган 4 нафар шахс ўртасида келиб чиққан жанжал фожияли оқибатга олиб келди. Натижада гумондор ўзининг ёнида бўлган ошхона пичоғи билан улардан бир нафарини жароҳатлаб, ҳаётига зомин бўлди. Айни пайтда унга нисбатан қамоққа олиш эҳтиёт чораси қўлланиб, тергов харажатлари олиб борилмоқда.

Туман ҳокимлигида ушбу жиноятнинг келиб чиқиш сабаблари ва омиллари кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилинди.

Унда мазкур жиноятнинг келиб чиқишига сабаб бўлган омиллар чуқур таҳлил қилинди. Профилактик тадбирлар ўз вақтида ва самарали олиб борилганида фожиянинг олдини олиш мумкинлиги алоҳида таъкидланди.


Шу боис “Дўстлик” маҳалласи ва гумондор ҳамда жабрланувчи яшайдиган “Фидойилар” ва “Жаннатмакон” маҳаллалари раисларининг фикр-мулоҳазалари эшитилди. Келгусида бу каби ҳолатлар бўлмаслиги учун аниқ чора-тадбирлар белги-



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.



Хоразм вилояти ички ишлар бошқармаси ахборот хизмати.



Ушбу сон саҳифаларидаги барча мақолалар матнини мусахҳат Феруза ФУЗАЙЛОВА ўқиди.



Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси
Бош муҳаррир: Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Дизайнер: Лазиз Мейликов Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ
Таҳририят манзили: 100192, Тошкент шаҳри Мустақиллик шох кўчаси 59-уй.
Телефонлар: 71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148.

«Шарк» НМАК Босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т. 8 743 нусxada чоп этилди. Буюртма №: Г-420

